

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2009 йил, 5 май, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан голиб жамоалар ўзаро куч синашди.

● Бугун Тошкентда IV «UZBEKISTAN AGROMINTECH EXPO—2009» халқаро иختисослаштирилган республика кишлоқ хўжалиги учун мини-технологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдоси ўз ишини бошлади. Кўргазма давомида истеъмолчиларга мини-технология ва ихчам ускуналар сотиб олишдаги жорий молия тизимлари ҳақида батафсил маълумот беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда кўргазмада Республика банклари ва лизинг компаниялари вакиллари ҳам қатнашади.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида маданий анъаналар ва миллий таомлар фестивали ташкил этилди. Еттинчи бор уюштирилган ушбу тадбирда Туркменистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Миср, Корея Республикаси, Россия, Афғонистон, Покистон, Япония, Италия, Туркия, Вьетнам каби 20 дан зиёд давлатнинг элчихона ва миллий марказлари вакиллари иштирок этди.

● Тошкент Давлат техника университетида Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрнига бағишланган иқтидорли талабалар Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастурига мувофиқ Беруний туманидаги «Озод» овул фуқаролар йиғини худудида жойлашган 15-мактабнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда мактаб ўқувчилари замонавий меъморчилик услубида қад ростлаган 630 ўринли қулай, шинам, кенг ва ёруғ синф хоналарида таълим олмоқда.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 89 (11.400) Баҳоси эркин нарҳда

### КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган мунтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик кўп асрлардан бундан давом этиб келмоқда ва вақт синовларидан ўтган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, икки томонлама муносабатларда янги давр бошланди. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этди.

Дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 29 январидан ўрнатилди.

Ўтган давр мобайнида саккизта олий даражадаги учрашув ўтказилди. Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йилнинг март ойида қилган давлат ташрифининг муҳим натижаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2008 йил февраль ойида ўтказилган инаугурация маросимидаги иштироки ҳамда 2008 йилнинг августда Пекинда ўтказилган XXIX ёзи Олимпиада уйинлари доирасидаги учрашув икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. 1995 йилда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида парламентнинг «Корея — Ўзбекистон» дўстлик уюмаси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Корея билан ҳамкорлик гуруҳи тасвис этилди.

1995 йилдан бошлаб ташқи сиёсий мақамалар ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинади. Уларнинг энг сўнгги еттинчи раунди 2008 йил сентябрда Тошкента бўлиб ўтди.

2007 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб иқтисодиёт, маданият, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни, ахборот технологиялари, қурилиш ва транспорт соҳаларидаги тажриба алмашишни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида ташкил этилган «Корея Республикаси — Марказий Осиё» йиллик форуми фаолият олиб бормоқда. 2008 йилнинг декабрь ойида Сеулда иккинчи бор ана шундай форум бўлиб ўтди. (Давоми 2-бетда).


### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш туфайли корхоналаримизда жаҳон андозлари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топаётгани иқтисодиётимиз ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

### Иқтисодиёт БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

қаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилаётгани, бу эса ўз навбатида юртимизнинг ташқи ҳамда ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беришни таъкидлаб ўтди. Шу боис ҳам цехларимизни хорижий, энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда маҳаллий йил ишчи-хизматчиларимизга янги рақобатбардош маҳсулотлар яратишларида қулай шарт-шароитлар ташкил этдик. Қўшма корхонада меҳнат қилаётган 360 нафар ишчи-хизматчиларга қулай иш шароитлари, бепул тушлик, меҳнатга яраша мукофот ва рағбатлантиришлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдинчи олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узок муددатли барқарор суруятларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш йўлида жорий йил охиригача корхонамизда 50-60 нафар



фуқарога янги иш жойлари яратилади.

Эътиборли томони, «Hi-tech kabel»-чилар бугунги кунда ўз соҳасидаги «Ўзкэбел», «Дойча кэбел» вилоятлардаги номдор корхоналарга муносиб рақобатчига айланиб улгурган. Боиси, маъмур корхона маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси стандартларига мосдир. Бундан ташқари, ушбу қўшма корхона маҳсулотларига ИСО 9001: 2000 Халқаро стандарт сифат менежменти тизими татбиқ этилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Корхона тадбиркорлари доимий равишда кўргазмалар, турли тадбирларда фаол иштирок этади, Хамдўстлик давлатларида ваколатхоналари бўлгани ҳолда Халқаро «Интеркабель» ассоциациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Жамоа аҳлининг бугунги кунда ишлаб чиқараётган сифатли ва рақобатбардош кэбел маҳсулотлари наинки Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам ягонадир. Шу боис ушбу маҳсулот харидорлиги билан алоҳида ақралаб туради. Қувонарлики, жаҳон андозларига мос тарзда ишлаб чиқарилаётган кэбеллар «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан Россия, Қозғистон, Тожикистон каби кўплаб Хамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Кўплаб янги лойиҳалар устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда. Шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш борасида изланишлар давом эттирилмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: рақобатбардош кэбел ишлаб чиқаришда хорижий дастоҳ ва ускуналар ҳамда уларни муҳоирона бошқараётган малакали кадрларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

### ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Мамлакатимизнинг Сеулдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Жанубий Кореянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва мамлакатимиз дўстлари иштирок этди.

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-сон Ўзбекистон Президенти ўзининг янги асарини ҳозирги жаҳон молиявий инқирози, унинг дунё иқтисодиётига таъсири ва аниқ бир мамлакат шароитида уни бартараф этиш йўллари кенг ва аниқ таҳлил қилиб берган донишманд ва глобал миқёсдаги арбоб сифатида китобхонлар олдида яна бир бор гавдаланганини қайд этди.

— Китобда, — дейди Ли Ман-сон, — ҳозирги жаҳон инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, энг аввало, банк-молия тизимида ўсиб бораётган номутаносиблик, турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган трансмиллий банк ва инвестиция институтлари фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлиги, бозор иқтисодиёти «ўзини ўзи тартибга солиди» ҳақдан тасаввурларга ҳаддан зиёд берилиб кетилганлигида эканлиги тўғри таъкидланган. Хатто яқинда Лондонда бўлиб ўтган саммитда «катта йигирматалик» давлатларининг етакчилари иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг тутган ўрни, айниқса ҳозир жаҳон иқтисодиётида юзага келган экстремаль шароитда муҳим эканлигини бир овоздан эътироф этишди. (Давоми 2-бетда).

### «АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 1-3 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида «Асрлар садоси» иккинчи анъанавий маданият фестивали ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий маданиятимиз, санъатимиз, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш ва шу орқали ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, азалий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ғояларини чуқур синдиришда турли илмий анжуманлар, иждоий кўриктанловлар, фестивалларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган қатор маърифий-маданий лойиҳалар, фестиваллар, санъат анжуманларидан кўзланган асосий мақсад ҳам халқимизни, хорижий меҳмонларни бой тарихимиз, миллий маданият ва санъатнинг юксак намуналаридан баҳраманд, янгиликлардан боҳадар этишдан иборатдир. (Давоми 3-бетда).

5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун

### ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗЛАРИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан тобора юксалмоқда. Бу Юртбошимиз юртаётган сиёсатнинг, халқимиз азму шижоатининг самараларидир.

Ватанимизни ҳар тарафлама янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳар бир юртдошимиздан юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этади. Бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. (Давоми 2-бетда).

### ЖАҲОНДА

● Халқаро валюта жамғармаси Руминияга 17,1 миллиард долларлик барқарорлаштирувчи кредит ажратилишини маълумлади.

● Бугун Россия Олий суди яна давлат имтиҳонининг қонунийлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

● Жанубий Кореянинг «Мунму-зе-Грейт» ҳарбий кемаси Адан кўрфазининг Сомалига қарашли худудда Шимолий Кореяга тегишли кемани қароқчилар ҳужумидан қутқариб қолди.

● Ҳиндистонда йирик йўл ҳаракати ҳодисаси рўй берди. Бир гуруҳ йўловчиларни олиб кетаётган автобуснинг Киштвар шаҳри яқинидаги Чиноб дарёсига қулаб тушиши оқибатида 21 киши ҳаётдан кўз юмган, 10 га яқин йўловчи жароҳатланган. Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

● Ироқ маъмурияти 2009 йилнинг июлига қадар мамлакатдан АҚШ ҳарбийларининг чиқиб кетишини талаб қилмоқда.

● Кеча ўтказилган савдоларда жаҳоннинг етакчи биржаларида бир баррел нефтнинг нархи 54 долларлик кўрсаткичга чикди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти трибунали Ливаннинг собиқ вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлдирилишига оид иш бўйича ҳибсга олинган тўрт нафар генерални озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Юқори лавозимли ушбу ҳарбийлар 2005 йил қотиллик содир этилганидан сўнг тезда ҳибсга олинган эди. Мазкур жиноий ишнинг дастлабки босқичини кўриб чиқаётган бельгиялик судья Даниэль Францен етарли далиллар бўлмаганлиги боис, генералларни ҳибсда ушлаб туриш зарур эмаслигини баён этди.

● 2011 йилга бориб Грециянинг Афина шаҳрида эрамиздан аввал IV асрда файласуф Аристотель дарс берган қадимий мактаб—Ликкеа ўрнида археологик бог очил режалаштирилди.

● Кеча Туркиянинг жануби-шарқий қисмининг асосан курдлар яшайдиган худудидан тўй тантаналари давом этаётган пайтда қуролли кишиларнинг ҳужуми натижасида 45 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг оғохлантиришчи, электр энергиясини тежовчи флуоресценция чироқлари синган пайтда инсон саломатлиги учун зарарли экан. Канада ва Буюк Британия Соғлиқни сақлаш вазирликлари экспертларининг оғохлантиришдан сўнг ЖССТ шундай хулосага келди. Экспертларнинг айтишича, бундай чироқларда 4-5 миллиграмм миқдорда заҳарли симоб бўлади.

# ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗЛАРИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан бир қатор давлат мукофотлари жорий этилгани бу борада улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида "Ўзбекистон Қахрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин юлдуз" медаллари, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Қахрамони" унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, юртимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қахрамонлик кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. "Ўзбекистон Қахрамони" унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин юлдуз" медаллари ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси парламентининг юқорида қайд этиб ўтилган сессияси қарорига биноан суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқлараро, демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Президентимиз Ислон Каримовга "Ўзбекистон Қахрамони" унвони берилди. Ўтган йиллар давомида ўнлаб юртдошларимизнинг маъзури олий мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда инсон меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мустақиллик. Бу сўз биз учун энг улғун, энг азиз қаломлардан биридир. Гарчи, озодликка эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган бўлсак-да, ушбу сўзнинг, тушунчанинг аҳамияти ҳеч қачон камаймайди. Зеро, аждодларимиз Ватан эрки, юрт озодлигини ҳамма нарсадан устун қўйган, бу буюк неъматни кўз қорачи-гидек асраш, қўлдан бермаслик учун жон олиб жон берган. Отабобларимизнинг асрий орзу-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири "Мустақиллик" номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

Мазкур ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган хамюртларимиз мукофотланади.

Истиқлол шарофати билан халқимиз эрки ва Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг номлари қайта тикланиб, хотиралари абадилаштирилди. Улар қаторида қатагон қурбон бўлган буюк адибларимиз Абдулла Қодирий ва Абдулхамид Чўлпон ҳам бор. Президентимиз фармонларига биноан миллий озодлигимиз йўлида кўрсатган матонати ва буюк хизматлари учун Абдулла Қодирий ва Абдулхамид Чўлпон "Мустақиллик" ордени билан тақдирланди.

Мамлакатимизда юздан ортқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек ҳаёт кечирмоқда. Барча миллат ва элат вакиллари-нинг тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун барча шароит яратилган. Миллатлараро тотувлик, дўстлик юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилдир.

"Дўстлик" ордени Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик ва тотувлиқни мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Қонунда мазкур ордени билан мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши белгиланган. Ушбу мукофот соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчиҳона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-худоий бирикчалари ҳам мукофотланиши мумкин. 2003 йилда Нукус шаҳрининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлашда Нукус шаҳри аҳлининг ҳар хизматлари катта. Мазкур шаҳарнинг тўйи арафасида Президентимизнинг фармонида мувофиқ Нукус шаҳри "Дўстлик" ордени билан мукофотланган.

Мамлакатимиз тинчлиги ва оқойишталлиги эзгу орзу-ниятларимиз рўёбининг муҳим кафолатидир. Шу маънода Ватанимиз тинчлигини, халқимизнинг хотиржам ва осқ-зишта ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оқойишталлигимиз посбонлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва жасорат кўрсатган инсонларнинг хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасорати учун қўллаб юртдошларимиз "Жасорат" медаллари билан тақдирлангани бунинг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ёлғарига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган юртдошларимиз "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланади.

Ҳозирга қадар юзлаб юртдошларимиз давлатимизнинг ана шу юксак мукофотларига сазовор бўлди. Бу олий унвонлар, ордени ва медаллар Ватан олдидаги улкан хизматлар эътирофи бўлиши баробарида эл-юртимизнинг озодлиги, ифтихори ва буюк келажаги рамзлари ҳамдир.

Олим ТўРАКУЛОВ,  
УзА шарҳловчиси

(Давоми.Боши 1-бетда).

Ли Ман-соннинг таъкидлашича, у Ўзбекистон Президенти томонидан ёзилган асосий асарлар, шунингдек, унинг назарисига ва раҳбарлигида Ўзбекистонда тадрижий ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислохотлар билан анчадан буён яхши таниш. Сўнгги ўн йил ва асосан авж олаётган жаҳон молиявий инқирози нафақат асосий ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш бўйича, балки жаҳон инқирози оқибатида юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш борасида ҳам Ўзбекистон томонидан танланган йўлнинг тўғри эканлигини аниқ кўрсатди, деди маърузачи. Таъкидландики, саноатни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилашда банк ва молия тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистонга ташқи салбий таъсирдан келаятган зарарни камайтириш ва асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш имкониятини бериши.

Ли Ман-сон айни пайтда Ўзбекистон ҳукумати глобал иқтисодий таназзулнинг қуроллашувини олдиндан қўра олгани, 2008 йилдаёқ ҳатто саноати ривожланган давлатларнинг барчаси ҳам мақтаниб кўрсата олмайдиган ўзининг Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиққанини айтиб ўтди. Унинг фикрига қўра, ушбу дастур қисқа муддатли ва ўрта муддатли хусусиятларга эга бўлган ҳар томонлама комплекс чораларни ўз ичига олган бўлиб, мамлакатнинг нафақат жаҳон инқирозидан йўқотишларисиз чиқиш, балки инқироздан кейинги даврда юқори суръатларда иқтисодий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратиши.

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

тади. "Мамлакатнинг Президент Ислон Каримов сиймосидаги оқилона ва узоқни қўра оладиган раҳбари бор экан, Ўзбекистон глобал иқтисодий инқироз оқибатида юзага келган ҳозирги қийинчиликларни муваффақият билан бартараф этишига менда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ" — дея яқунлади ўз мулоҳазаларини Ли Ман-сон.

"Корея-Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси президенти, "Шиндонг Энерком" компанияси раҳбари Ким Юн-сикнинг таъкидлашича, Ўзбекистон бозорига ўзининг кўп йиллик меҳнат тажрибаси шуни тасдиқлайдики, мамлакат Президенти Ислон Каримов раҳбарлигидаги ислохотларни тадрижий ва босқичма-босқич олиб боришда давлатнинг бош вазифани бажариши сиёсати ўзининг тўғри эканлигини тўла оқлади.

Давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, олдиндан қабул қилинган чора-тадбирлар натижада мамлакат иқтисодиёти ўзининг яшовчан ва барқарорлигини намоён этди ва энг муҳими, ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ютуқларини бор овози билан эълон қилган баъзи мақтанчўк давлатлардан фарқи ўлароқ, мамлакат аҳолиси ташқи инқирознинг салбий оқибатларидан имкони борича муҳофаза қилинди, деди Ким Юн-сик.

Маърузачи ҳукуматнинг Инқирозга қарши чоралар дастурига белгиланган қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларни устувор ривожлантириш, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжалигини қўллаб-қувватлаши учун қилинаётган чора-тадбирларга алоҳида урғу берди. "Ўтган йиллар давомида асосан Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида бўлганимда қишлоқ ҳаётининг сифат жиҳатидан ўзгарганини, сув ва газ таъминотининг яхшиланиши, янги мактаблар, коллеж ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг қурилиши, тиббиёт ва маиший хизмат соҳасининг ривожланиши ва энг муҳими — қишлоқда фермер хўжалиги ва кичик бизнеснинг муваффақиятли ривожланишини кузатишимиз."

Бу йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Президент Ислон Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури нафақат 2009 йилга, балки 2010 йилга белгиланган қишлоқ ривожланиш дастурини ўз ичига олиши мумкин. Бу демек, гап қишлоқда ҳаёт тарзини ҳар томонлама комплекс ривожлантириш, шу жумладан, аҳолининг яшаш даражаси ва даромадини кўтариш ҳақида бораяпти.

Кўзда тутилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Президент китобида белгиланган қиш-

лоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, деди Жанубий корейлик тадбиркор ва жамоат арбоби, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда хорижий сарможаларнинг иштирок этиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, таъкидланишича, Ким Юн-сик раҳбарлик қилаётган "Шиндонг Энерком" компанияси Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тўқимачилик ва ёғ-мой корхоналари қурилишида муваффақиятли фаолият юритмоқда ва ҳам ўз фаолиятини мамлакатнинг барча вилоятлари бўйлаб кенгайтириш ниятида.

Инглиз тилида чоп этиладиган машҳур «The Korea Post» журнали президенти-ношири, «Дўстлик» ордени соҳиби Ли Кёнг Сик ўз маърузасида таъкидлашича, Ўзбекистон халқи нафақат ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирозини таъкидлий жиҳатдан таҳлил қилиб берган, балки ўз юрти иқтисодиётини ушбу инқироздан олиб чиқиш йўллари кўрсатиб берган, инқироз ҳолатидан чиқишга оид аниқ ҳаракатлар дастури билан ўз халқини қуроллантирган йўлбошчиси билан ҳар қанча фахрланишга ҳақли. Эътиборли жиҳати шундаки, бу воқеа қўллаб бошқа давлатларнинг раҳбарлари бутунлай ташқи вазият таъсирига боғланган ҳолда, саросима ва иложсиз ҳолатидан чиқа олмайётган бир пайтда содир бўлди, — деди у.

Ли Кёнг Сикнинг фикрига қўра, бутун китобда яққол кўзга ташланган жиҳат — бу давлатнинг ўз фуқаролари, уларнинг эртанги кунига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлигидир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотлари шароитида давлат томонидан мақсадли ижтимоий сиёсат-

нинг олиб борилиши, давлатнинг аҳоли бандлигини таъминлашга, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, ёшларни таълим олишлари-га қаратган эътибори — буларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистонни бошқа айрим кўшни давлатларидан ижобий тарзда ажратиш таради.

"Ҳеч бир муволафасиз айтиш мумкинки, жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш борасида Ислон Каримовнинг китобида яққол кўриниб турган Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва қўлланилаётган тажриба бошқа давлатлар учун ҳам фойдали ва ижобий намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин", — дея ўз сўзини яқунлади Ли Кёнг Сик.

Варшавада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг поляк тилида чоп этилган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номи китобининг тақдими ўтказилди. Тақдиротда Польша Республикасининг вазирлик ва идоралари, эксперт, таҳлилчи ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари қатнашдилар.

Маросимда сўзга чиққан Польша иқтисодиёт вазирининг ўринбосари М. Королец Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз китобида жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиш сабаблари ва ҳолати, инқирознинг иқтисодиётга салбий таъсири, юз берган вазиятдан чиқишнинг йўллари, шунингдек Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари чўқур ва атрофлида таҳлил этганини таъкидлади.

"Қамдан-кам давлат раҳбарлари кечаётган воқеа-ходисаларга нисбатан ўз фикрини билдирмоқда. Мазкур китобда кўрсатилган инқироздан чиқишнинг йўллари ва чораларини ўрганиш ва таҳлил этиш Польша учун жуда муҳим. Бугун, инқироз тўғрисида дунёнинг қўллаб мамлакатларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг камаётгани кузатилаётган ҳамда ишсизлик даражаси ортиб бораётган бир пайтда ушбу ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади", — дея ўз сўзида давом этди М. Королец.

М. Королецининг айтишича, Ўзбекистон раҳбари юзага келган мураккаб шароитда иқтисодий ривожланишнинг муҳим устувор йўналишларини ҳолисона ва танқидий таҳлил этиш асосида белгилаб берди ҳамда иқтисодиётдаги аниқ шарҳ-шароитлар ва вазиятни инобатга олган ҳолда биринчилардан бўлиб Инқирозга қарши чораларни ишлаб чиқишга киришди.

«Жаҳон» АА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Муниципал даражада яқин алоқалар ўрнатилган бўлиб, улар доирасида Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Ёнгин шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишувлар мавжуд.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги илғор савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорларидан биридир. 1992 йилдаёқ Савдо битимига мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг қўлай режими-нинг ўрнатилгани шундан далолатдир.

2008 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 123,7 фоизга ортиб, 1,056 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон экспортини пахта толаси, транспорт, сайёҳлик, коммуникация хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар ташкил этади. Импортни эса, машина ва жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса, қора металллар, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, транспорт, коммуникация ва коммуникация хизматлари, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва бошқалар ташкил этади.

1994 йилдан бошлаб савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликка оид Ўзбекистон — Корея қўшма қўмитаси фаолият юритиб келмоқда. Шу чоққа қўшма қўмиталарнинг 6 мартаба йиғилиши ўтказилди, энг сўнгиси 2009 йил апрель ойида Сеул шаҳрида ўтказилган.

Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри Жанубий Корея инвестициясининг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан ошди. Корея Республикаси Эксимбанкнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жағмасига (EDCF) тақдим этган имтиёзли кредитлар маблағи 117 миллион долларни ташкил этиб, устувор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган.

2008 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига амалга оширган ташрифи чоғида муҳим шартнома ва битимлар имзоланган. Хусусан, энергетика ва табиий ресурслар соҳасида «UzKorGasChemical» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим, иккита фойдали қазилмалар қонида қўшма тадқиқот ишларини олиб бориш тўғрисидаги шартнома, "ДЭУ Интернэйшнл" компаниясининг Бухоро тўқимачилик саноатига инвестиция қилиши тўғрисидаги шартнома, ҳаво орқали юк ташини соҳасида икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги битимларга эришилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоясини иштирокида 351 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 57 таси 100 фоиз Корея маблағига асосланган. Ушбу корхоналар энгил, кимё ва озиқ-овқат саноати, савдо, машинасозлик ва металлургия ишлов бериш, уй жой-коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигида 91 та Жанубий Корея компанияларини ваколатхоналари аккредитациядан ўтган бўлиб, уларнинг фаолият соҳасига экспорт-импорт амалиётларини олиб бориш, транспорт хизмати, тўқимачилик саноати, электроника жиҳозларига сервис хизмати кўрсатиш йўналишлари кириди.

Корея Республикаси ҳукуматининг Корейс халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техник ёрдам доирасида биргаликдаги фаолият муваффақиятли ривожланмоқда. Бугунги кунда КОИКА йўналиши бўйича мамлакат вазирлик ва маюссаларининг 900 нафарга яқин ходимлари Корея Республикасида амалиёт ўтаб келишди.

Корея компанияларининг Ўзбекистон ҳудудидаги турли лойиҳаларда, жумладан, нефть ва газ қонларини қазиб олиш ҳамда газ-кимё комплекслари, турархона ва тижорат комплексларини қуриш, корхоналар ақливарлига эга бўлиш орқали хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш, тўқимачилик ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этишдаги фаол иштироки эътиборга молик.

2008 йилнинг ноябрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини Навойи халқаро аэропортининг бошқарувини Кореянинг «Korean Air» авиакомпаниясига бериш ва унинг базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш тўғрисидаги битимга имзо чекиди. Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳам муваффақиятли ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

1992 йилдан буён Тошкентда олий ўқув юртлари ўқитувачилари ва талабалари учун таълим асосида Кореяда тил амалиёти ва малака ошириш курслари ўтатиш ташкил-лаштирилган Корея тиллари маркази фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетини ва Самарқанд давлат жаҳон тиллари институтида Корейс тили ва маданияти ҳамда компьютер марказлари фаолият юритмоқда.

Мамлакат бўйича 9 та олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари очилган, 22 та мактабда корейс тили ўқитилади.

Тошкентда «Ўзбекистон — Корея» мутахассис тайёрлов марказини ташкил этиш лойиҳасининг амалга оширилиши таълим соҳасидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Марказда компьютер йиғиш, графика, электроника, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича бир йиллик таълим жорий этилган бўлиб, ўқувчилар сони 360 нафарни ташкил этади.

1999 йилдан бошлаб «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жаҳияти фаолият юритмоқда. Корея Республикасининг Тошкентдаги элчиҳонасида турли кўрган-малар, халқ уйинлари ва маросимлари, кинофильмлар намойиши, корейс кўшиқлари, мумтоз ва эстрадала қўла-ридан тузилган фестиваль ва концертларини ўз ичига олган «Корея маданияти ҳафталиги» ўтказилиб турилади.

2008 йил ноябрь ойида Корея Республикасида «Марказий Осиё фобосати» фотосуратлар кўргазмаси, «Сўғдиёна» чолғу асбоблари мусиқачилари иштирокида «Ипак йўли руҳияти» концерти, «Ипак йўли ёғду ва рангларга» миллий либослар намойишини ўз ичига олган Марказий Осиё давлатлари маданиятига бағишланган «Ипак йўли» фестивали бўлиб ўтди.

2009 йил 22 мартда Тошкентда Корея маданияти фестивали доирасида икки мамлакат иқидий жамоалари ва ижрочилари иштирокида «Корея маданияти Ипак йўли бўйлаб бормоқда» деб номланган концерт бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожига улкан ҳисса қўшган бир қатор таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси иқтисотномлама қўлтармоқли ҳамкорлиқни тараққий эттириш тарафдоридир. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга амалга ошираётган ушбу ташрифи икки мамлакат ўртасидаги бундай алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

**Оналик ва болаликни, аҳолининг репродуктив саломатлигини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масаласига доимий эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом авлодни шакллантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир тасдиғидир.**

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Акушер-гинекологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган республика илмий-амалий конференцияси ушбу муҳим вазифа ижросига бағишланди. Унда ҳомилдор ва туғиш ёшидаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш маюссалари, перинатал марказлар раҳбарлари, оилавий поликлиникалар шифокорлари, етакчи акушер-гинекологлар, тиббиёт олий ўқув юртлари олимлари ва ўқитувачилари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизнинг эртанги кунини ва халқимиз фаровонлиги, аввало, янги авлодга, фарзандларимиз қанчалик соғлом ва баркамол бўлиб воёга етишига боғлиқ экани таъкидланди. Бу борада соғлом болалар туғилишини таъминлаш ва уларни тарбиялашга қаратилган қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда, ушбу соҳадаги халқаро стандар-

лар ҳисобга олинган ҳолда соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Тиббиёт маюссалари, жумладан, туғруқ мажмуалари, перинатал ва скрининг марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари замонавий ташхис ҳамда даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда, дунёдаги илғор тиббиёт технологиялари амалиётга татбиқ этилаётир. Шунингдек, тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлашга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди ва бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишлар янги ўқув дастурлари ва режалари асосида амалга оширилмоқда. Ушбу режалар ишларнинг барчаси мустақиллик йилларида оналар ва чақалоқлар ўлими кўрсаткичларини камайтириш, аҳоли саломатлигини сезиларли даражада яхшилаш имконини бериши.

Бирок, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам, айниқса, ҳудудларда давр талаби даражасида

амалга оширилмаётганини қайд этилди. Инсон саломатлиги у дунёга келмасдан олдин шаклланади. Шу боис аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш зарур ва бу борада бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари — оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари муҳим ўрин тутаяди. Қишлоқ врачлик пунктларининг ҳаммаси ҳам ҳали тегишлича жиҳозланмаган, бу ерда ишлаётган мутахассислар эса ҳомилдорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейин айрим асосатлар юзага келган пайтда аёлларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун етарли малака ва билимга эга эмас.


Жойларда оила, биринчи навбатда, туғиш ёшидаги аёллар ва болалар саломатлигини яхшилашга доир амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида, шу-

нингдек, республикамизнинг маъмурий марказларида маюсс шаб-лар ташкил этилади. Бундан ташқари, ушбу соҳада қишлоқ врачлик пунктлари ишларини яхшилаш учун ҳудудларга жадалв бўйича ҳомилдор ва туғиш ёшидаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш маюссалари, тиббиёт марказлари ҳамда олий ўқув юртларининг етакчи шифокорлари жўнатилади. Энг яхши клиникалар базасида талабаларнинг амалий машғулотларини кенгайтириш ҳисобидан олий ўқув юртларида умумий амалиёт шифокорлари ва акушер-гинекологлар тайёрлашни кенгайтириш режалаштирилган. Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларини малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, аёлларни туғишга тайёрлаш, чақалоққа тўғри қараш қўнималарини ўргатиш уларнинг вазифасига кириди.

А. ИВАНОВА,  
УзА муҳбири



ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



«АСРЛАР САДОСИ» АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ ФЕСТИВАЛИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

«Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шундай лойиҳалар сирасидандир. Ушбу санъат байрамидан кўзланган асосий мақсад фольклор меросини сақлаш, халқ ижодиётини оммалаштириш, бадиий халқ жамоалари ва усталари кўлаб-қувватлаш, юртимизнинг бебахо маданиятини жаҳонга намойиш этишдан иборатдир. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бу йилги тадбир ўзининг илмий-маърифий йўналиши билан алоҳида аҳамият касб этди. Фестиваль тадбирлари доирасида иштирокчилар Тошкент шаҳрининг тарихига оид маълумотлар, археолог олимларнинг янги илмий китоблари билан танишиш, улар иштирокидаги давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, анжуманларда қатнашиш, пойтахтимиздаги археологик мажмуаларга саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар. Жумладан, пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Миллий санъат инъомлари: тарих ва замон» мавзусидаги кўргазмада ёшлар, чет эллик меҳмонлар қадимий маданиятимизга оид нодир осори-атикалар билан танишиб, таниқли археолог Эдвард Ртвеладзеининг «Марказий Осиё тамаддуни, давлатлари ва маданияти» китобининг тақдиротида қатнашдилар.

— Ўзбекистонда бир марта бўлган киши бу заминга яна келишни орзу қилади, — дейди италиялик дизайнер Оскар Далан. — Негачи, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу диёрнинг тарихи, маданияти, санъати ўзига хос ва бетакрордир. Юртингизда ана шу меросни, қадимий ёдгорликларни ўрганиш, ундан навқирон авлодни баҳраманд этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. «Асрлар садоси» фестивалида бу яна бир қарра намоён бўлди.

Тадбир доирасида Тошкент вилоятининг Окқўрғон туманидаги кўхна Қанжа меъморий-ёдгорлик шаҳарчасига ташкил этилган саёҳат жараёнида, тарихчи ва археолог олимлар иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида қадимий маданият ва санъатнинг ривожланиш тамойиллари ҳусусида атрофлича маълумот берилди.

Фестивалнинг кейинги босқичи Бўстонлик туманининг Қоранкўл қишлоғида бўлиб ўтди. Яшил тепалиқлар, кенгликларда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган бахшилар, фольклор жамоаларининг, бадиий ҳаваскорлик ансамблларининг, полвонлар, дорбозлар ва халқ чирки усталарининг чиқишлари, миллий либослар фестивали, ёш ижрочилар ва санъат усталари ижросида концерт дастурлари намойиш этилди. Халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси, миллий матолар ярмаркаси, ошпазлар беллашуви каби қизиқарли тадбирлар ташкил этилди.

— «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали мусиқий жамоаларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Хоразм вилоятининг «Хива» фольклор жамоаси бадиий раҳбари Машариф Оллоберганов. — Фестиваль халқ ижодиёти, маънавий мероси миллиятимизнинг бебахо хазинаси эканини яна бир қарра намоён этди. Биз фестивал учун тайёрлаб келган «Хоразм наволари» номли мусиқий дастуриимиз санъат ихлосмандларига манзур бўлганидан жуда мамнунимиз.

Фестиваль якунига кўра, «Энг яхши фольклор жамоалари» номинациясида Қорақалпоғистоннинг «Офарин», Қашқадарь вилоятининг «Момогул», Сурхондарь вилоятининг «Булбулигуё», Сирдарь вилоятининг «Деҳқон болалари», Хоразм вилоятининг «Хива», Самарқанд вилоятининг «Бешқарсақ», Тошкент вилоятининг «Шумтақа» ва «Чашма» фольклор жамоалари ғолиб бўлди. «Анъаналарни давом эттириш ва халқ амалий санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» номинациясида марғилонлик атлас тўқувчи Фарида Бегалиева, тошкентлик миниатюрчи Баҳодир Хожиматов, хоразмлик кулол Одилбек Матчонов ғолиб деб топилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» номини олган азим Тошкентнинг 2200 йиллик шодибенасини муносиб кутиб олиш борасида жамоат транспорти тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Чилонзор туман ҳокимлигида маҳалла фаоллари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари раислари, ўқув муассасалари раҳбарлари, транспорт корхоналари, «Камолот» ЕИҲ етакчилари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда юқорида тилга олинган масалалар атрофида таҳлил этилди.

Тадбирни Чилонзор тумани ҳокими Ҳусниддин Маҳмамов кириш сўзи билан очар экан, кейинги йилларда туман миқёсида олиб борилаётган ижтимоий-маиший ислохотлар, соғлиқни сақлаш, коммунал соҳа, аҳолининг таъминланган қатламларини муҳофаза этиш сингари йўналишлардаги ўзгаришлар ҳусусида тўхталиб ўтди. Таъкидланганидек, ёшларимизни диний ақидапарастликка ундовчи ғояларга қарши кескин чоралар кўриш, жамоат транспорти тизимидаги ислохотларни қўлаб-қувватлаш, шаҳримиз шодибенасини «тўйга тўёна» тарзида қарши олишга оид вазифаларнинг туман доирасидаги ижросини кечиктирмаслик устувор вазифалар сирасига киради.

Шундан сўнг йиғилганлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортларининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари, Чилонзор туманидаги доимий ишчи гуруҳи раҳбари Саломиддин Асомиддинов, Чилонзор туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор Даврон Мадаминов, туман бош имом хатиби Жасур қори Рауповларнинг юқоридаги мавзулар доирасидаги маърузаларини тингладилар.

Сўзга чиққанлар томонидан айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар йўловчи ташиш транспортини такомиллаштиришга оид 2006 йилда қабул қилинган Фармон ва Қарорларга асосан, 2006-2009 йиллар давомида Чилонзор туманида жамоат транспорти хизматлари сифатини ошириш, ҳаракат тартибларини янгилаш, даромадларни ошириш каби кенг қамровли ишлар олиб борилди. Шу маънода йўловчи ташиш соҳасида қўнучилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами вужудга келтирилганлиги туфайли йўловчи ташиш бозори ҳусусий ташувчилар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳисобига кенгайтирилди. Туман

даги шахсий транспорт воситаларини ижарага олиб йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи 13 та юридик корхона қайта янгидан тузилди. Улардан 9 таси микроавтобус йўналишларида, қолганлари энгил автомобилларда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Бу ташиқлотларда жами 298 та лицензияланган автомобиллар мавжуд бўлиб, 137 таси микроавтобусларни ташкил этмоқда. Ушбу авто-мобиллар иш кунлари 115 та жадвал асосида, 13 та йўналишларда туман аҳолисига транспорт хизматини кўрсатиб келмоқда. Микроавтобус йўналишларининг ўртача масофаси 206 километрни ташкил этган ҳолда кунига ўртача 15 миң йўловчи ташилиб, 3,2 миллиондан зиёд нақд пул тушу-

маблаг ийғилмоқда. Тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган юридик корхоналарнинг бажарилган ишлар юзасидан қўндалик ҳисоблари йўлга қўйилган бўлиб, унда йўналишга чиқадиган автомобиллар сони русуми ва ташиш турлари бўйича пул туширишининг миқдори, автомобил самардорлиги, бажарилган қатновлар сони ва қатнов мунтазамлиги каби маълумотларни жамлаш йўлга қўйилди. Уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб, бажарилган қатновларни носозлик хизмати орқали ҳисобга олиш ва назорат қилиш амалга оширилди. «Газел» русумли автомобиллар ҳисобига янгиланди. Ушбу ташиқлотлар томонидан турдош ихтисослашган автокорхоналар билан тузилган шартномалар асосида авто-мобиллар қатнов олди техника, хайдовчилар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишчи янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланганидек, жорий йилнинг 15 апрелидан 15 майгача «Йўловчи ташиш транспортида аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлари» ўтказилмоқда. Бу борада туман миқёсида ишларни янада ривожлантириш, ислохотлар оқимини тўғри белгилаш кўзда тутилган.

Туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорини мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида «Тошкент дарвозалари», «Чочтепа», «Тарихий ўтмиш силсиласи», «Муқаддас қадамжолар», «Шаҳрим — фаҳрим» сингари мавзуларда тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Биргина февраль ойи давомида тумандаги 32 та мактаб, битта олий ўқув юрти, 18 та коллеж ва лицей, 13 та йирик корхона ва ташиқлот, 49 маҳалла, 13 та оилавий шифохоналарда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилди.

Йиғилиш якунида юқорида кўрсатилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш, туман аҳолисининг ижтимоий-маиший яшаш тарзига ижобий таъсир кўрсатувчи омирлардан тўлақонли фойдаланиш, янги фаолият турларини белгилаб олиш юзасидан аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Туманларда ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ми инкассация қилинмоқда. Барча тақсилар бўйича эса кунига 2,0 миллион сўмга яқин пул маблаг ийғилмоқда. Ҳозирда шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг транспорт тизимига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида келтирилган «Исузу» русумли автобуслардан 40 таси, «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардан 21 таси тумандаги 7-автокорхонанинг 12 та йўналишларига бириктирилди. Ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган «Лаз», «ДЭУ» русумли автобуслар тасарруфдан бутунлай чиқарилиб, янги харид қилинган транспорт воситаларини ҳисобига ҳаракат таркиблари янгиланди. 56-«Пахтакор» метроси — «Далигузар майдони» йўналиши 8 та жадвал асосида очилди. Жадваллар сони бирмунча кўпайтирилди. Ҳаракат оралиғи вақти 10 фоизга қисқартирилди. Бундан ташқари «7-автокорхона» қошида «Мидибдетранс» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, 10 та «Исузи» русумли автобуслар янги очилган 141 «Карвон бозори — Олой бозори» йўналишига бириктирилди. Тумандаги 5-такси саройи ҳам 32 та янги «Матти» русумидаги энгил авто-мобиллар ҳисобига янгиланди.

Ҳозирги кунда тумандаги жами 13 та автобус йўналишларида 110 та жадвал белгиланган бўлиб, уларнинг умумий масофаси 257,8 километрни ташкил этган ҳолда, кунига ўртача 39 миң йўловчи ташилиб, 16 миллион сўмга яқин пул

лаш, миллий ўзалигимизни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ олижаноб мақсадларга хизмат қилаётганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, гуруҳ кўрмасиз бўлмаганидек, баъзи қизларнинг бугунги кунда икки хил кўринишдаги кийимлари, яъни шарқона маданиятимиз, миллийлигимизга хос бўлмаган калта, очик-сочик кийимлар кийиб юришлари, ёки яна бошқа бирларнинг хизобга ўраниб юришлари атрофдагиларнинг диққатини ўзига тортаётганлигини, бу ҳол албатта кўпчилигининг гашига тегаетганлигини таъкидлади. Ўтмишда шарқ аёлларининг миллийлигимиз, шарқона маданиятимиз акс этган либослари ҳақида гапириб, ўсимир қизларимизни шарқона одоб-ахлоқи, ҳаё ва ибодли, оқила қилиб тарбиялашда аввало оилада ота-она, ўқув юртиларида усталари алоҳида эътибор қаратишлари зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, либос — инсон кўрқиди. Ҳар қайси миллат ё элнинг либоси унинг маънавияти ва маданиятини ёрқин намоён этувчи кўзгудир.

Долзарб мавзуларга бағишлаб ўтказилган йиғилиш савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар билан аяқунлашиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● АҚШда уч ёшли болакай осонлик билан уй жиҳозларини силжитиб, уч килограмм тош ва бошқа жисмларни кўтара олади. Бу унинг қўндалик машқлари натижаси эмас, балки антиқа ва ўта кам учрайдиган генетик касаллик сабабидир. Лайам Хокснринг бу касаллиги унинг соғлиғи учун жуда хавфли экан. Болани кўриқдан ўтказган шифокор Женнифер Аштоннинг айтишича, Лайам мушаклар гипертрофиясидан азият чекмоқда. У жуда кам учрайдиган миостатин гени мутацияси туфайли вужудга келган. Бола мушак тўқималарининг катталашгани уни ёшига нисбатан ўта кучли қилади. Мазкур касаллиқнинг биринчи ҳолати Германияда 2000 йил қўзтилган. Шифокорлар юрак ҳам мушак тўқималаридан ташкил топгани учун исталган ўзгариш унинг организмга салбий таъсир этишини айтишмоқда. Бу ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин экан. Метобализм жараёнининг тез суръатда кечishi Лайамни кунига олти марта оқватланишга мажбур қилмоқда. Шифокор Аштоннинг айтишича, митти пахла-воннинг мушаклари шу қадар қаттиқки, у йиқилганида ҳам оғриқни ҳис қилмайди. Олимлар боланинг организмни ўрганиб, бу каби ўзгаришларнинг сабабини аниқлаб, унга ёрдам кўрсатиш ниятидалар. Бу тадқиқотлар саратон, юрак хасталиқлари ва ОИТВ билан хасталанган одамларга ҳам ёрдам беради.

● Уйқуда хуррак отувчилар хуррак отмайдиغانларга нисбатан кўпроқ қувват сарфлар эканлар. Америкалик олимларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида уйқуда нафас қилиш белгилари бўлган кишилар бундай касаллик белгилари бўлмаганларга қараганда ортиқроқ қўшимча қувват сарфлашларини аниқладилар. Хурракдан азоб чекувчилар хуррак отиш учун кетган қувват ўрнини озиқ-овқат билан тўлдирадилар, жисмоний ҳаракат қилмаганиликлари сабабли, ўзларини кун бўйи ланж ҳис қилиб юрадилар. Бу ҳолат эса, юқори қон босими ва юрак қон-томир касаллиқлари келиб чиқиш хавфини оширади.

● Футбол тарихида антиқа воқеалар кўп бўлган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида «Сток Сити» — «Арсенал» жамоалари ўйини пайтида бир ишқидор аёлни тўлғоқ тутган. Шундай қилиб Эдди Хартфорд стадионда баҳс пайтида дунёга келган. Уйин туғатгач чақоққа ўйинчиларнинг ва ҳакамларнинг дастхати қўйилган тўп ва 50 фунт стерлингда чек қорғози совага қилинди. Бундан ташқари, «Сток Сити» жамоаси менежери болани хомийликка олишини ва Эдди футболчилар билан барча сафарларга жамоа «тумори» сифатида бирга боришини эълон қилган.

● Оксфорд университетининг олимлари уйқусизлик билан қандли диабет касаллигининг ўзаро боғлиқ эканини таъкидламоқдалар. Олимлар аввал уйқу ва бугунги кунда кўпайиб бораётган юқоридаги касаллиқнинг ички механизмидида алоқани ўрганиб чиқдилар. Инсон танасидаги мелатонин ишлаб чиқариш жараёнига жавоб берувчи ген мутацияси уйқу бузилишига ва қандли диабет касаллигининг икки гуруҳи келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

● Янги изланишлар шоколаддаги моддалар юрак қон-томир касаллиқларининг ривожланишига таъсир ўтказувчи С-реактив оқсилни туширишини аниқладилар. Бундан ташқари, бу оқсил иш касаллиқларига ҳам таъсир кўрсатар экан. Синолда 1300 нафарга яқин шоколадни ёқтирмайдиган ва доимий равишда уй истеъмол қилиб юрадиган 800 нафар киши қатнашди. Натижада шоколаднинг оз миқдори ҳам С-реактив оқсил миқдорини камайтириб, юрак қон-томир касаллиқларига қалиниш хавфини қисқартиришни аниқланди. Шоколадни бир ҳафтада 2-3 марта, оз-оздан истеъмол қилиш самарали таъсир кўрсатади, лекин уни катта миқдорда ёйиш ортиқчалик қилади. Шунингдек, қора шоколаднинг қон босимини тушириши аниқланган.

● Буюк Британия фуқароси Сара Кемпбелл 96 метр чуқурликда сув остига шўнғиб, янги дунё рекордини ўрнатди. Лонг-Айлендда бўлиб ўтган «Фирдайвинг» мусобақаси қатнашчилари ҳаво аппарати ва юксиз Атлантика океанига тушишлари керак эди. 37 ёшли Сара 3 дақиқа-ю 36 сония сув остида нафас олмаي, ғолибликни қўлга қиритди. Кемпбелл аёллар ўртасида шу каби чуқурликка юксиз ва кўтариш мосламаларисиз тушган биринчи аёлдир. Эркалар ўртасида эса шу каби рекордни австриялик Герберт Найтш 112 метрлик натижа билан ўрнатган. 2007 йилда Сара Кемпбелл 48 соатда «Фирдайвинг»да уч қарра рекорд ўрнатган. Уша пайтда у мазкур спорт билан атиги тўққиз ой шуғулланган эди. 2008 йили эса Сара онасининг вафоти туфайли вақтинча танаффус қилади. Бу пайтда россиялик Наталья Молчанова 95 метр чуқурлик билан янги рекордни ўрнатган. Ҳозирда Кемпбелл янги натижалари билан ўз чемпионлиги макомини қайтариб олди. Эндилликда у 100 метр чуқурликка шўнғимокчи.

● «Toyota» компанияси қуёш батареяси қуввати билан ҳаракатланадиган автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бундай машина ўта тежамкорлиги ва экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Батарея автомобильнинг томига ўрнатилади. Компания вакилларининг сўзларига кўра, шу йўл билан «Toyota»нинг молиявий аҳолини яхшилашга эришиши мумкин.

● Япониянинг Thanko компанияси антиқа USB-аксессуар яратишди. USB Cigarette — бу сигарета шаклидаги ускуна бўлиб, у билан компьютер USB -портдан қувват олиши мумкин. Сўнг унга филтър ўрнатилди ва антиқа сигарета тайёр. Уни деярли ҳақиқий сигарета каби чекиш мумкин. У ўзидан тамақини эс-латувчи тутун чиқаради, аммо таъми бироз ширинроқ. Шу билан бирга USB Cigarette одам саломатлигига салбий таъсир этмайди. Унинг ўлчами 87x8 мм бўлиб, вазни 10 грамм атрофида. Махсулотни сигарет кутисига ўхшаш кутига қадоклашади. Унинг ичда 11 филтър ва қувватловчи ускуна бор. Ҳозирча у фақат Японияда сотилади. Нархи эса 2980 иен, яъни 30 доллар атрофида.

● Япониянинг «Mazda» автомобилсозлик компанияси 2015 йилга бориб ёнилинги ўттиз фоиз тежайдиган автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бундай автомобильнинг яна бир афзаллиги шунда бўладики, унинг двигателига автоматик тўхташ тизими ўрнатилди. Бу тизим ҳалокатларнинг олдини олишга ёрдам беради. Компания ўз автомобилларининг оғирлигини юз килограммгача камайтиришни ҳам режалаштиряпти.

● Буюк Британияда дунёга келган бир ойлик «Чихуахуа» зотли ит дунёдаги энг митти кучқандир. Том Тхам лакабини олган миттвойининг сунридан думининг учигача бўлган бутун узунлиги 10 сантиметр ҳам чиқмайди. Томпсонлар жуфтлиги 10 йилдан бери «Чихуахуа» зотидаги итларни кўпайтиришди. Шунинг учун Том Тхамнинг ўсмаслигини айтишмоқда. Қизиги шундаки, митти кучқандир оғайинлари ундан уч баробар йирик тутилган. Гиннес рекордлар китобига кўра, бугунги кунда Флоридадаги «Heaven Sent Brady» лакаби кучқача энг митти деб топилган. Унинг узунлиги атиги 15см. Балки Том Тхам янги рекорд ўрнатар. Чунки «Чихуахуа»лар дунёдаги энг кичик жусаддаги итлардир. Уларга бу ном эътиборини бор аниқланган Мексиканинг Чиуауа штати шарафига қўйилган.

«Тошбозортайёрловсаво» уюшмасида уюшма тизимидаги хотин-қизлар ҳамда касабка уюшма кўмиталари раислари, Маънавият ва маърифат масалалари бўйича вакиллар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

Маълумки, бугунги кунда барча мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози энг долзарб муаммолардан саналади. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари белгилаб берилган. Иқтисодиётни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва янгилаш жараёнида миллий маънавиятимизни тиклаш, замон талаблари асосида ривожлантириш, айниқса ёш авлодни пухта билим, соғлом тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш борасидаги ишларга янада эътибор кучаймоқда.

Мазкур йиғилишда Молия-банк академиясининг кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори Тўлқун Расулов Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш-

нинг йўллари ва чоралари» номли асарни юзасидан маъруза қилиб, аввало жаҳон молиявий инқирози нима, унинг келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатлари, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ипотека кредити ҳусусида гапириб, юртимизда аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова «Тадбиркор аёлларнинг савдо, кийиниш маданияти» мавзусида сўзга чиқиб, юртимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар, бу йўналишдаги ишлар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкам-



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Кимга нафси азиз туюлса, дили хор кўринади.

Шикоят ва дилтанглик маърифат озлигидан пайдо бўлади.

Чин эътиқод безавол ганждир.

Қуролингни илмдин яса.

Яхшилар билан дўстлаш.

Сабрли бўл, муродга етасан.

Ҳар бир ишда ҳамкор иста.

Донишингни хор қилма.

Кам гапир, оз егину кам ухла.

Доно кўринган нодондан ҳазар қил.

Ўрган ва ўзгаларга ўргат.

Яхшилиқни жондан изла.

Жонни омонат, умрни иноят қил.

Ҳар кимнинг нонини ема, аммо ҳаммага чон бер.

Ажални ҳеч қачон эсдан чиқарма.

Мартабаю иззатни илмдан изла.

Сендан кўрққандан сен ҳам кўрк.

Душманининг душмани билан дўст тутун.

Дўстларнинг дўстлари орасида бўл.

Нокадан қарз олма.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

ЎЗА ХАБАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, 2 май куни Қашқадар вилоятининг "Ғузор — Чим — Қўдала" трассасининг 42-километрида йўловчи автобус йўл четидан тўхтаётган экан...

Иўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш учун махсус ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг қариндошларига тиббий, моддий ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Маъзур факт бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тезкор-тергов гуруҳи тузилди. Йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳукумат комиссияси ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этди.

Анжуманлар

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, унинг мазмун-моҳияти замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар асосий мақсад қилиб мустаҳкамлаб қўйилган. Энг муҳими эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат конституциявий ҳимоя қилишнинг асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантиришнинг миллий тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ва «Истикболли авлод» Ешлар ахборот маърифат маркази ҳамкорлигида «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдати «Инсон ҳуқуқлари ўмумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ислохотлар, шунингдек,

ички ишлар идоралари ходимларининг малакасини ошириш ва бошқа давлат идоралари, судлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан янада яқинроқ ўзаро мулоқот ўрнатиш каби бир қатор мақсадлар сари йўналтирилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Эрматов мамлакатимизда турмуш-ғоялари билан суғорилган қўнғулarning ички ишлар идоралари, судлар, ҳуқуқий муҳофизат қилувчи идоралар ва бошқа давлат институтлари, суд-ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

ри бўйича минтақавий вакили, бош мутахассис Абдували Абдурахмонов «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсманнинг роли», Фуқаролик жамияти институтининг Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази раҳбари Баходир Мамадиев «Инсон ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзуларида фикр юритиб фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қўнғул манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ички ва самарали ислохотлар, чора-тадбирлар, бутун дунё ахлини ташвишга солаётган одам савдоси каби иллатларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлодга ёшлардан тўғри таълим-тарбия бериш, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймайлик каби масалаларга янада киришиш, ҳеч ким бундан четда туриши мумкин эмаслиги, балки виждоний бурч бўлиши лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Тадбир давомида турли тақлиф ва тавсиялар эшитилиб яна мақсад ҳуқуқий ва маънавий саводхонлиқни ошириш, келажак ағаларининг жисмонан соғлом ва руҳан баркамол бўлиб воғда этишларига ҳисса қўшиш экани таъкидланди ва ҳар бир иштирокчи учун жуда фойдали бўлган бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш ҳақида келишиб олинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт

ЁШ СПОРТЧИЛАР БАҲСИ

Республика олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуида трамполин бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида акробатик йўлақда сакраш баҳсларида қизлар ўртасида фарғоналик Дияра Зухурова ҳамда урганчлик Лайло Аллабергенова, ўғил болалар баҳсида пойтахтлик Сергей Малютин, самарқандлик Достон Муҳиддинов ва наманганлик Шавкат Жоннибеков биринчи ўринни эгаллади.

Батутда сакраш бўйича шохсупанинг энг қоронғи погонаси тошкентлик спортчилар — Фарангиз Жўраева, Эрик Исмоилов, Владимир Елисеев ва фарғоналик Сайёра Тожибоевага nasib этди. Синхрон сакраш баҳсларида Владимир Елисеев (Тошкент) ва Хусан Жоннибеков (Наманган) жуфтлиги зафар кучди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!
1. 2009 йил 9 июн куни соат 11:00да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омондоронасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: — ЖИБ Тошкент шаҳар Яқкасарой туман судининг 6.10.2008 йилдаги №1-416/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Матиз» русумли, д/р 30S1683 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 687 465 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 05.03.2009 йилдаги №1-465/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ТИКО» русумли, д/р 10P2214 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 973 122 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 10.12.2008 йилдаги №1-1324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ЕРА3» русумли, д/р 110636 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 920 628 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 27.03.2009 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-2105» русумли, д/р 30U7844 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 172 712 сўм. Тошкент шаҳар Бектемир туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омондоронасида сақланаётган — ЖИБ Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман судининг 11.06.2008 йилдаги №1-346-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-21063» русумли, д/р 1107320 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм. — ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 26.09.2008 йилдаги №1-679/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-21063» русумли, д/р 30J8838 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.
II. Шунингдек 2009 йил 26 май куни соат 11:00да бўлиб ўтadиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар тақдоран қўйилмоқда: Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 25.01.2008 йилдаги 10-0712/15474-сон ва 11.03.2008 йилдаги 10-0815(11)/827-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, қардор «Тошкент лифт Трест»га тегишли бўлган қуйидаги кўчмас мулклар: — Умумий майдони 92 кв.м. бўлган, 4 хонали, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 10-даҳиси, 16-уйдаги, 36-хона манзилида жойлашган, ноту-

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароит яратиш мақсадида, 2009 йилнинг 13 апрелидан бошлаб, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонасининг ҳудудий (туман) хизматлари биноларида нотура-р-жой биноларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳам буюртмалар қабул қилиниши йўлга қўйилганлиги маълум қилинади.

Table with 3 columns: Туман хизматлари, Жойлашган манзил, Телефон рақами. Rows include Бектемир тумани, Миробод тумани, Мирзо Улуғбек тумани, Собир Раҳимов тумани, Сергели тумани, Учтепа тумани, Ҳамза тумани, Чилонзор тумани, Шайхонтоҳур тумани, Юнусобод тумани, Яқкасарой тумани.

2009 йил 1 майдан бошлаб Илк бор! Бизда меҳмонда! МАЙ ОЙИДАГИ МОСКВА Халқаро театрлаштирилган цирк шоуи Москва ва Ҳамдўстлик мамлакатлари артистлари, шунингдек, «Қийшик ойна» театрининг колдузи ОБИД АСОМОВ Шошилини!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Ёзлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёзлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3752 нусхада босилади. Қозғоқ битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимида еки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6